

АЁЛЛАР ТАШҚИ МИГРАЦИЯСИ — АМАЛДАГИ ҲОЛАТ, МУАММО ВА ЕЧИМ

М. Қодирхонова,

*Олий Мажлис Сенатининг Хотин-қизлар ва гендер
тенглик масалалари қўмитаси раиси*

Дунёда бугунги кунда рўй бераётган глобаллашув жараёнларидаги ўзгаришлар ҳосиласи ўлароқ кейинги йилларда мамлакатимизда ташқи меҳнат миграцияси жараёнларини тартибга солиш, вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошириш учун хорижга жўнаб кетаётган фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатлари ҳимоя қилинишини таъминлаш, уларга зарур ҳуқуқий, ижтимоий, ахборот-маслаҳат ёрдами кўрсатиш ва моддий қўллаб-қувватлаш борасида изчил ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, бугунги таҳликали геосиёсий маконда меҳнат мигрантлари ва уларнинг оила аъзолари учун ишончли, шу жумладан уй-жой ва маиший шароитларни яхшилаш, молиявий ёрдам, ҳаёти ва соғлиғини ҳимоя қилиш масалаларида ижтимоий қўллаб-қувватлаш механизмларини яратишни назарда тутувчи комплекс чора-тадбирларни қабул қилиш талаб этмоқда.

Инсоният бугунги ўзгаришлар замири бўлган XXI асрда — глобаллашув асрида яшаётганини инобатга олингани ҳолда, бу жараённинг асосий белгиларидан бири - минтақалар ва мамлакатларнинг бир-бирига ўзаро чамбарчас боғлиқлиги тобора аниқ бўлмоқда. Иқтисодий соҳада глобаллашув авваламбор товарлар, капитал ва меҳнатнинг жаҳон миқёсидаги интеграцияси билан боғлиқ бўлиб, бир томондан у халқлар тараққиёти учун янги имкониятлар яратади ва айни вақтда, инсониятга таҳдид солаётган трансмиллий хавф-хатарлар, шу жумладан, кенг-қўламли миграция оқимларини вужудга келтираётганини кузатиш мумкин.

Аслида миграция¹ — одамларнинг бир мамлакатдан иккинчисига кўчиши ва у ерда маълум вақт истиқомат қилиши аввалдан тарихда бўлиб келган. Аммо айнан ана шу глобаллашув даврида миграцион оқимлар оммавий тус олмоқда. Сабаби шуки, замонавий шароитда бунинг учун

¹ Воробьев О.Д., Топилина А.В. Миграция населения: теория и политика. Учебное пособие. -М.: 2012г

зарур бўлган барча ташкилий, ҳуқуқий, техник шароитлар вужудга келганлиги, бугунги кунда чегаралар ўтишини тартибга солувчи виза режими деярли барча жойда эркинлашаётганлиги ва узоқ масофага кўчиш учун зарур бўлган транспорт хизмати ҳам тобора хавфсизроқ ва нисбатан арзонлашиб бораётганлигини кўрсатмоқда. Натижада кейинги йилларда дунё миқёсида миграция тобора кескин авж олаётгани кузатилмоқда.

Бирлашган Миллатлар Ташкилотининг миграция бўйича халқаро ташкилоти маълумотига кўра², мигрантлар сони йилдан йилга 3-4 фоизга ўсиб бормоқда ва сўнги йилларда мигрантлар сони қарийб 6 маротаба ортди, яъни 1980 йилда 48 миллион нафардан ҳозирги кунга келиб, 281 миллионгача кўпайди. Улардан 135 миллион нафари аёллар эканлиги алоҳида эътибор қаратиш лозим ҳодиса ҳисобланади.

Ўзбекистон Республикаси ҳам халқаро жамиятнинг бир бўлаги сифатида бу глобал жараёнлардаги иштирокини кузатилсадиган бўлинса, маълумотларга кўра, ўтган йил мобайнида Ўзбекистонга минглаб кишилар вақтинча яшаш учун келган ва улар ўрнатилган тартибда ички ишлар идораларида рўйхатдан ўтганлигини кузатиш мумкин.

Таъкидлаб ўтмоқ жоизки, сўнги йилларда мамлакатимизда меҳнат мигрантлари ва хорижий фуқаролар билан боғлиқ сиёсат ижобий томонга ўзгараётган эканлигин кузатиш мумкин. Хориждаги ватандошларимизни қўллаб-қувватлаш бўйича ишчи гуруҳ ва доимий штаб томонидан иқтисодий ва ижтимоий вазият юзасидан кунлик мониторинг ишлари олиб борилаётганлиги самараси ўлароқ, меҳнат миграцияси географиясини кенгайтириш мақсадида Германия, Япония, Латвия, Финляндия, Исроил, Болгария, Польша, Канада каби жами 18 та давлат билан фуқароларни меҳнат миграциясига юбориш бўйича ишлар амалга оширилмоқда³.

Мамлакатимиз хотин-қизларнинг манфаатлари ва ҳуқуқларини қонун билан муҳофаза қилиш, уларнинг давлат бошқаруви ва жамиятнинг барча жабҳаларида фаоллигини ошириш борасида жумладан, ташқи миграция соҳасида тизимли ислохотлар амалга ошириб келинмоқда.

Юртимизда аёллар ҳуқуқлари ҳимоясини тубдан кучайтириш, ҳар томонлама қўллаб-қувватлашга доир 40 дан ортиқ меъёрий-ҳуқуқий ҳужжат қабул қилинганлиги, хусусан, иккита муҳим қонун — «Хотин-

² <https://www.un.org/ru/global-issues/migration>

³ <https://www.spot.uz/ru/2023/02/01/migration-2022/>

қизлар ва эркалар учун тенг ҳуқуқ ҳамда имкониятлар кафолатлари тўғрисида»ги ҳамда «Хотин-қизларни тазйиқ ва зўравонликдан ҳимоя қилиш тўғрисида»ги қонунлар қабул қилинганлиги, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий соҳаларда хотин-қизлар ҳамда эркалар учун тенг ҳуқуқ ва имкониятлар таъминлаш мақсадида 2030 йилга қадар Ўзбекистон Республикасида гендер тенгликка эришиш стратегияси қабул қилинганлиги, шунингдек, 2022—2026 йилларга мўлжалланган Янги Ўзбекистоннинг тараққиёт стратегиясида ҳам аёлларга муносиб шароит яратиш, уларнинг ташаббусларини қўллаб-қувватлаш масаласи энг муҳим йўналишлардан бири сифатида белгиланганлигини кузатиш мумкин.

Хорижда ишлаш истагини билдираётган фуқароларга амалий ёрдам бериш, ноқонуний миграцияни олдини олиш мақсадида 2018 йил 16 октябрда “Хусусий бандлик агентликлари тўғрисида”ги қонун қабул қилинганлиги ва мамлакатимизда 118 та хусусий бандлик агентликлари фаолият олиб бораётганлиги, меҳнат миграциясига доир масалаларни тартибга солиш Ўзбекистон Республикаси учун алоҳида аҳамият касб этмоқда. Жумладан, 2019 йилда Ўзбекистон Республикаси Халқаро Миграция Ташкилотига аъзо бўлиши, хорижда меҳнат фаолиятини амалга оширувчи шахсларни қўллаб-қувватлаш ҳамда уларнинг ҳуқуқ ҳамда манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида Бандлик ва меҳнат муносабатлари вазирлиги ҳузурида махсус жамғарма ташкил этилиши билан 2020 йилда жорий этилган хавфсиз, тартибли ва қонуний меҳнат миграцияси тизими (ПҚ-4829-сон, 15.09.2020 й.) доирасида хорижда меҳнат мигрантларини ҳуқуқий ҳимоя қилиш кўламини ошириш, иш жойларидаги муаммоларини тизимли равишда ўрганиш ва ҳал қилишда ёрдам кўрсатиш, Ўзбекистонда амалга оширилаётган ислоҳотлар ва ижобий ўзгаришлар борасида дунё ҳамжамиятининг эътибор марказида турганлиги, хориждаги меҳнат мигрантларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, ҳуқуқ ва қонуний манфаатларини ҳимоялаш, муаммоларини ҳал қилишда Ташқи ишлар вазирлиги тавсияси билан 44 та ўзбек миллий-маданий ташкилотлари ва 2 та ватандошлар билан ҳамкорлик ўрнатилганлигини кузатиш мумкин. Шунингдек, Ташқи меҳнат миграция агентлигининг Москва шаҳридаги ваколатхонаси ҳузурида “Меҳнат мигрантларининг мурожаатлари билан

ишлаш ва уларни ҳуқуқий қўллаб-қувватлаш маркази” фаолияти йўлга қўйилди.⁴

Бугунги кунда меҳнат мигрантлари ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилиш Камбағалликни қисқартириш ва бандлик вазирлигида алоҳида бошқарма, Ташқи меҳнат миграцияси агентлигида 4 та бошқарма ва бўлим, “Call-марказ”, 1282-ишонч телефони, Россияда 16 та, Корея, Қозоғистонда ва Туркияда 1 тадан (19 та) ваколатхона ва вакиллик офислари фаолият кўрсатмоқда.

Бу борада Президентимизнинг ПФ-5785 сонли фармони билан “labor-migration” дастурий таъминоти яратилди.⁵ Натижада “Фронтал қисм”, яъни чет элда қийин вазиятга тушиб қолган ва ёрдамга муҳтож бўлган меҳнат муҳожирлари томонидан аризаларни масофадан туриб юбориш имконияти яратилди. Ҳозирда “labor-migration” дастурий таъминот тўпламининг барча функциялари ишга тўлиқ туширилган.

Жумладан:

- меҳнат мигрантлари тўғрисидаги маълумотлар базаси шакллантириш;

- имтиёзли чипталарни тақдим этиш хизматлари йўлга қўйиш;

- имтиёзли суғурта полисини тақдим этиш хизматлари йўлга қўйиш;

- имтиёзли кредит бериш хизматлари йўлга қўйиш;

- имтиёзли уй-жой олиш учун вилоят комиссиясига тақдим этиш учун “Тасдиқнома” ни тақдим этиш хизматлари йўлга қўйиш;

- касбий таълим олиш ва чет тилларини ўқитишни истаган фуқароларни йўналтириш хизматлари йўлга қўйиш;

- “Ишчиларнинг маълумотлари ягона базасини” шакллантириш;

- чет элда вақтинча меҳнат фаолияти билан шуғулланувчи фуқароларга ёрдам бериш хизматлари йўлга қўйиш;

- фуқароларни “Ягона Миграция Марказига” юбориш каби хизматлар йўлга қўйилган.

Бугунги кунда “Ўзбекистонлик ватандош хотин-қизлар кенгашини ташкил этиш тўғрисида” ҳукумат қарори ишлаб чиқилган ва тегишли вазирлик – идоралар билан келишиш жараёни кетаяпти.

⁴ <https://www.norma.uz/qonunchilikda yangi/uzbekistonlik mehnat migrantlarini qanday qullab-quvvatlashadi>

⁵ <https://labormigration.uz/main/about>

Олий Мажлис Сенати Хотин-қизлар ва гендер тенглик масалалари қўмитаси Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги билан 2022 йил меморандум имзоланган, шунинг натижаси ўлароқ, тизимли равишда ҳудудларга чиқиб, ташқи миграциядан қайтган ва пробация назоратидаги хотин-қизларни сайёр қабуллари ўтказилмоқда. Бу қабулларда Соғлиқни сақлаш, Ички ишлар вазирлиги, Хотин-қизлар қўмитаси, Ҳалқ банки ва бошқа тегишли ташкилот мутасадди вакиллари иштирок этишмоқда. Меҳнат мигрантларининг реинтеграциясини ташкил этиш, бандлигини таъминлаш, саломатлиги ва банк-кредит масалалари бўйича уларни муаммоларини эшитиб, амалий ёрдам берилиши кўзда тутилмоқда.

Мамлакатимиз ривожланаётган иқтисодиётга эга бўлган, аҳолининг ўсиш суръатлари барқарор бўлган давлат ҳисобланганлиги учун ҳам аҳоли бандлигини ички ва ташқи меҳнат бозорларида бирдай таъминлаш, барқарор ва самарали бандлик турларини шакллантириб бориш орқали уларнинг турмуш фаровонлиги ва даромадларини ошириб боришга давлат сиёсатининг устувор вазифаларидан бири сифатида алоҳида эътибор қаратиб келинмоқда.

Хорижда ишлаб юрган ватандош хотин-қизлар билан доимий мулоқот ўрнатиш уларни тизимли равишда моддий ва ижтимоий ёрдамлар кўрсатилишини таъминлаш мақсадида Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Россия Федерацияси, Москва шаҳридаги ваколатхонаси ҳузурида фуқаролар мурожаатлари билан ишлаш бўйича алоҳида бўлим, хориждаги хотин-қизлар масалалари бўйича фаолият олиб боровчи мутахассислар фаолияти йўлга қўйилди.

Ўзбекистон Республикаси Статистика қўмитасининг ҳисоботи бўйича 2023 йилнинг 1 январь ҳолатига доимий аҳоли 36 млн кишини, шундан эркаклар 18,1 млн (50,3 *фоиз*) кишини, хотин-қизлар 17,9 млн (49,7 *фоиз*) кишини ташкил қилмоқда.⁶

Меҳнат бозори тадқиқотлари институтининг ижтимоий сўров натижаларига кўра таҳлилларга кўра, хорижда вақтинчалик меҳнат фаолиятини амалга ошираётган меҳнат мигрантларининг 20% дан ортигини хотин-қизлар ташкил этиши, уларнинг 57,5 *фоизи* Россия, 16,8 *фоизи* Қозоғистон, шунингдек, Туркия, Корея, БАА ва бошқа давлатлар ҳисобига тўғри келади.

⁶ <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>

Маълумот ўрнида оладиган бўлсак, 2022 йилда Ўзбекистонга чет давлатлардан жами бўлиб 122 598 нафар хотин - қизлар қайтиб келди. Хориждан қайтган хотин – қизларни давлатлар кесимида таҳлил этилганда, Россия, Қозоғистон, Туркия, Корея, Украина ва бошқа давлатлардан фуқаролар келганлигини кузатишимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 12 сентябрдаги “Ўзбекистон Республикаси фуқароларини хорижда уюшган ҳолда ишга жойлаштириш тизимини янада такомиллаштириш ва тубдан қайта кўриб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида” 725-сонли қарорига мувофиқ, Ташқи меҳнат миграцияси агентлиги ва унинг ҳудудий филиаллари томонидан хориждан қайтиб келган меҳнат мигрантлари билан ишлаш тартиби белгилаб берилган, унга кўра 2022 йил давомида, ушбу тизим асосида хориждан қайтган хотин – қизлар билан уйма-уй юриб ўрганилиши, меҳнат мигрантлари билан мониторинг ишлари давом эттирилганлиги натижаси ўлароқ, маълум сабабларга кўра меҳнатга лаёқатсизлиги, мониторинг кунига қадар, ишлаш учун чет элга қайтиб кетганлиги ҳамда вақтинча ишсиз эканлиги боисидан, 2022 йилдан бошлаб, хорижда иш жойларини йўқотган меҳнат мигрантларга Агентлик ваколатхоналари томонидан ишга жойлаштириш тизими йўлга қўйилиши хорижий экспертлар томонидан таҳсинга сазовар ходиса ҳисобланишини туфайли нафар хорижда ишсиз қолган фуқароларнинг илк маротаба хорижий иш берувчилар билан Ўзбекистон фуқароларини Сербия ва Буюк Британияга қишлоқ хўжалиги соҳасидаги мавсумий ишларга ва Германияга турли соҳаларга жалб қилиш бўйича келишувларга эришилди ва 614 нафар фуқаро ишга юборилди ишга жойлаштирилганлигини эътироф этиш даркор.

Бугунги кунда мигрантлар, хусусан, аёл мигрантлар муаммоларини, ижобий ҳал этиш учун, хорижга ишга юбориладиган номзодлар гуруҳларини шакллантириш мақсадида “Ишга марҳамат” мономарказлари⁷, касб-ҳунарга ўқитиш ва қурилиш соҳаси мутахассисларини тайёрлаш марказлари моддий-техник базасини хорижий иш берувчилар талабларидан келиб чиқиб мустаҳкамлаш, замонавий АКТ ва инновацион методларни кенг жорий этиш, шу жумладан, таҳсил олувчиларнинг меҳнатига ҳақ тўлашни ҳисобга олган ҳолда ҳудудий

⁷ <https://yuz.uz/news/monomarkaz--kasbga-tayyorlashning-samarali-yoli>

корхоналарда амалиёт ўташга фаол жалб қилиш, хорижда ишлаш истагидаги фуқаролар касб малакасини аниқлаш мақсадида шартномалар асосида хусусий сектордаги корхоналарда (*ишлаб чиқариш ёки қурилиш майдончаларида*) касблар бўйича бирламчи “саралаш босқичли” синов-танловлар ўтказиб бориш, бунинг натижасида, номзодларнинг касбий малака даражаси кесимида маълумотлар базасини шакллантириб бориш, амалиётини йўлга қўйиш орқали иш берувчилар талаблари бўйича танловлардан номзодларнинг ўтиши имкониятларини ошириш, иш берувчиларнинг талабларига мувофиқ ташкилий ёллаш, ўқитиш ва жўнатиш жараёнлари баъзан узоқ муддатни ва харажатни талаб қилиши боис, фуқароларнинг норасмий тартибда ишлаш учун чиқиб кетиш ҳолатлари сақланиб қолмоқда. Айниқса, фуқароларни расмий равишда ишга жойлаштиришда уларнинг аксарияти бориб ишлайдиган давлатда мулоқот даражасида тил билмаслиги сабабли иш излаш, танлаш, мулоқот қилиш ва ҳуқуқларини талаб қила олмаслик ҳолатларига тушиб қолмоқда.

Россияда меҳнат фаолиятини олиб боратган Ўзбекистон фуқароларини патент учун ойлик тўловлардан, шунингдек, россиялик иш берувчиларни ўзбекистонлик меҳнат мигрантларига тўлаётган иш ҳақидан ягона ижтимоий солиқни тўлашдан олти ой муддатга озод қилиш юзасидан музокаралар ўтказиш. Ташқи меҳнат миграцияси агентлигининг Москва шаҳридаги ваколатхонаси ҳузурида Меҳнат мигрантларининг мурожаатлари билан ишлаш ва уларга ҳуқуқий кўмак бериш марказини ташкил этиш, Марказга Россия қонунчилигини биладиган малакасини юристлар жалб қилиш. Қайтиб келган меҳнат мигрантларининг бандлигини таъминлаш бўйича манзилли ишлаш, жумладан: Маҳаллаларда хорижда қурилиш соҳасида ишлаган ва қайтиб келган меҳнат мигрантларидан қурилиш бригадаларини ташкил этиш ва қурилиш объектларига жалб этиш; қайтиб келган мигрантлар учун “Ўз келажагимга узим инвестор” лойиҳасини жорий этиш орқали ишлаб чиқариш, қишлоқ ҳужалиги ва хизмат кўрсатиш соҳасидаги лойиҳаларга кредит ажратиш сингари бир қатор режаларни амалга ошириш миграция бўйича муаммоларнинг энг тубига қадар чуқур таъсир этишини эътироф этиш лозимдир.

Хулоса ўрнида шуни айтиб ўтиш лозимки, бугунги глобализация жараёнида аёл ва миграцияга оид муаммолар, ҳеч муболағасиз бизнинг мураккаб замонамизнинг ўзига ҳос хусусиятларидан биридир.

Меҳнат мигрантларига салбий ёндашувни ўзгартириш юзасидан, малакали мутахассисларнинг ишчи кучи экспорти деб қараш замона талаби ҳисобланади.

Буни амалга ошириш учун халқаро ҳамкорликни йўлга қўйиш, зарур бўлган ҳуқуқий пойдеворни яратиш, шу тоифадаги қонунбузарликларни олдини олиш, уни амалга ошириш механизмларини белгилаш ҳам илмий ҳамжамият, ҳам амалиётчилар олдида турган долзарб вазифадир.

Адабиётлар рўйхати

1. Воробьев О.Д., Топилина А.В. Миграция населения: теория и политика. Учебное пособие. -М.: 2012г
2. <https://www.un.org/ru/global-issues/migration>
3. <https://www.spot.uz/ru/2023/02/01/migration-2022/>
4. https://www.norma.uz/qonunchilikda_yangi/uzbekistonlik_mehnat_migrantlarini_qanday_qullab-quvvatlashadi
5. <https://labormigration.uz/main/about>
6. <https://stat.uz/uz/rasmiy-statistika/demography-2>
7. <https://yuz.uz/news/monomarkaz--kasbga-tayyorlashning-samarali-yoli>